

САУДИЯ БОЛАЛАР ҲАЖГА ОЛИБ БОРИЛИШИГА ТАҚИҚ ҚЎЙДИ

Саудия Арабистони Ҳаж ва Умра вазирлиги 2025 йил мавсумида зиёратчиларга болаларни ўзлари билан олиб келишларига рухсат этилмаслигини маълум қилди.

“АзерТАЖ” хабарида айтилишича, ҳар йили Ҳаж вақтида ҳаддан зиёд кўп одам йиғилиши муносабати билан болалар хавфсизлигини таъминлашда муаммолар пайдо бўлмаслиги учун шундай қарор қабул қилинган (ЎЗА).



НАВОЙНИ ҲЎҚИГАНМИСИЗ?..

Либосини пўрим қилган қиз,
Ҳеч мисралар тўқиганмисиз?..
Кокилларин ўрим қилган қиз,
Навоийни ўқиганмисиз?

Китоб олиб юрган бўз бола,
Шоир бола, ширин сўз бола,
Шеърятга ошно, дўст бола
Навоийни ўқиганмисиз?


Болаларга бермоқда таълим,
Мулойиму сўзлари ҳалим,
Ростин айтинг эй сиз, муаллим
Навоийни ўқиганмисиз?..

Байтларидан ёришар кўнглим,
Кўзёшларим қароғимда - лим,
Тили бийрон эй мухбир синглим,
Навоийни ўқиганмисиз?..

Ушламайин ҳайратдан ёқам,
Елкаларим босиб турар ғам,
Айтақолинг шифокор опам,
Навоийни ўқиганмисиз?..

Қорлар ёғди изларга паға,
Ёмғирлар ҳам чарчади ёға,
Ҳой Сиз пулдор, амалдор оға,
Навоийни ўқиганмисиз?..

Шеърларида бугун хаёлим,
Дилингизга олманг малолим
Барчангизга битта саволим...
Навоийни ўқиганмисиз?..



Шоира ТўЛАГАНОНВА,
Оҳангарон тумани

100 ёшни қаршилаган Ҳанифа момо узоқ умр кўриш сирини айтди



Ҳанифа момо Норматова 1925 йилда Бўка туманида туғилган. Болалик ва ёшлик йиллари ўзи вояга етган Ачамайли қишлоғи далаларида меҳнат билан ўтди. Айниқса уруш ва урушдан кейинги йиллар жуда оғир бўлган.

Турмуш ўртоғи, марҳум Ғулом Бўронов билан кечган умри, вояга етказган тўққиз фарзанд, 40 неvara,

91 чевара ва бир эваранинг роҳати барча азоб-уқубатларни ювиб кетди. Пиру бадавлат Ҳанифа момо яқинда 100 ёшга тўлди шу муносабат билан Ангрен шаҳар ҳокими Алишер Райимов “Нурчи” маҳалласида умргузаронлик қилаётган момонинг хонадонига бориб, унинг ҳолидан хабар олди. Табаррук ёши билан муваффақият элди. Ўз навбатида момо ҳам шаҳар раҳбарини алқади, юртимиздаги тинч ва осуда, эмин-эркин ҳаёт учун чексиз шукроналик билдирди.
— Мен ўз вақтида қайнона-

қайнотамни рози қилган келинларданман. Турмуш ўртоғимга ҳам ўша оғир кунларда елкадош бўлдим. Очарчилик даврларини сабр ва меҳнат билан бирга енгиб ўтдик, — дейди Ҳанифа момо. — Олтин олма, дуо ол, дейди доно халқимиз. Ёшларга тилагим, меҳнатдан қочманг, ҳамиша ростгўй ва ҳалол бўлинг. Ана шунда тинч ва хотиржам яшайсиз, умрингиз ҳам узоқ бўлади.

Гулшода ШОХОНОВА

Тадбир

МАҲАЛЛАГА — “МАЪРИФАТ КАРВОНИ”

7 февраль куни халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгаши депутати иштирокида шаҳар марказидан олис ва оғир тоифадаги Соғлом маҳалласига “Маърифат карвони” ташкил этилди

Тадбирда Республика Маънавият ва маърифат маркази Ангрен шаҳар бўлини раҳбари А. Юсупов, Халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгаши депутати, Соғлом МФЙга бириктирилган маънавий кўмакчи Неймат Душаев, шаҳар маърифат тарғиботчилар гуруҳи аъзоси Ирода Ўразалиева, маҳалла раиси А. Анорчаев, нурунийлар Э.Юлдашев, А.Ҳакимовлар ҳамда маҳалла аҳолиси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда маҳалла фаоллари ҳамда ўқиш ва жамоат ишларида намуна кўрсатаётган ўқувчиларнинг ота-оналарига китоблар ва ташаккурномалар топширилди.

27-мактаб ўқувчи ёшлари томонидан тайёрланган концерт дастури тадбирга хуш кайфият бағишлади.



Маълумот учун, республикада оғир тоифадаги 1024 маҳалла рўйхатга олинган бўлиб, уларга халқни ортидан эргашти-



ра оладиган обрўли кишилар, ижодкорлар, ҳожилар маънавий кўмакчи сифатида бириктирилган. Маънавий кўмакчилар — жамоатчилик асосида фаолият олиб боради, унинг асосий мақсади ўзига бириктирилган оғир тоифадаги маҳалладаги аҳолини камбағаллик кайфиятидан чиқариш, уларда соғлом дунёқарашни шакллантириш ва камбағал оилаларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат. Улар тегишли йўриқномада белгиланган вазифалар доирасида маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ва давлат идоралари билан яқиндан ҳамкорликда фаолият юритади.

Алижон ЮСУПОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Ангрен шаҳар бўлими раҳбари

Олмалик кон-металлургия комбинатида

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ИЛК ОЙИДА БАРЧА РЕЖАЛАР БАЖАРИЛДИ

Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан жорий йилнинг январь ойида барча ишлаб чиқариш вазифалари бажарилди. Жумладан, товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаси 107,5 фоизга адо этилди.

Комбинат Ахборот хизматида кўра, Қалмоққир кон бошқармаси томонидан маъдан қазиб олиш вазифаси 100 фоизга бажарилиб, ўсиш суръати 100,7 фоизни ташкил этди. Устки қатламни очиш режаси эса 103,7 фоизга



уддаланди. Мис хом ашёсини қайта ишлаш режаси бўйича 106,2 фоизлик ўсиш суръати қайд этилди.

Ангрен кон бошқармаси, Чодак кон бошқармаси ҳамда Ковулди кони меҳнат жамоалари ҳам 2025 йилнинг 1 ойида барча соҳалар бўйича яхши кўрсаткичларга эришилди. Улар томонидан олтин таркибли маъданларни қазиб олиш, қайта ишлаш, металл концентратиди 1- ва 2-металл каби режаларнинг бажарилиши таъминланди.

Депутат ва ҳаёт

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ АНГРЕН ШАҲРИДА БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова вилоят кенгаши депутати Акмал Умаралиев билан бирга Ангрен шаҳрида жойлашган қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш маркази фаолиятини ўрганди.



Депутатлар томонидан таълим муассасаси ҳолати, ўқув жараёни, амалий машғулот хоналари, мутахассисликлар учун яратилган шарт-шароитлар, марказнинг моддий-техника базаси кўздан кечирилди.

Марказ ҳудудида жойлашган Оққўрғон

тумани касбий кўникмалар Марказининг Ангрен шаҳар филиали фаолияти билан ҳам танишилди.

Жараёнда марказда таълим олаётган ёшларга депутатлар томонидан Давлат дастури доирасида белгиланган мақсад ва вазифаларни тизимли амалга оширилиши, партиянинг Сайловолди дастуридаги устувор вазифалар, мамлакатимиздаги амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида маълумот берилди.

Маълумот учун, Қизилгул Қосимова 2024 йил 27 октябрь кuni ўқазилган сайловда 45-Тошкент вилояти округидан (Олмалик, Оҳангарон, Ангрен шаҳарлари ва Оҳангарон тумани) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган.

Маҳаллий кенгашларда

НАВБАТДАГИ СЕССИЯ ҲАМ ИШЧАН РУҲДА ЎТКАЗИЛДИ

31 январь кuni Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди.

Этиборли томони сессия zoom платформасида ташкил этилди. Бошқача айтганда, биз депутатлар унда масофадан туриб иштирок этдик. Zoom платформасининг афзалликлари кўп. Ҳамма ишингизни ташлаб йиғилишга келмайсиз. Иш жойингизда туриб, ҳатто олис сафарда бўлсангиз ҳам компьютер ёки планшет орқали уланиб йиғилишда қатнашаварасиз. Микрофонни ёқиб, масала юзасидан бемалол ўз фикрингизни билдиришингиз ҳам мумкин.

Сессия ишини Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши раиси Алишер Райимов олиб борди.

“Ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада маҳаллий ҳокимликларнинг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 декабрдаги фармони ҳамон кун тартибидagi долзарб масала бўлиб турибди. Сессияда дастлаб ана шу Фармон ижроси муҳокама этилди.

Масала юзасидан шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Яшин Норалиев ҳисобот берди.

Халқ депутатлари дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилишга оид масалани эса кўриб чиқилади. Сессияда депутатлар кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқладилар.

Сессияда шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитишнинг тартибини тасдиқлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Сессия ишида қўшимча масала киритилди. Бу 2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликдан чиқариш бўйича мақсадли кўрсаткичларни кўриб чиқиш масаласи бўлиб, ушбу масала ҳам депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қайд этиш керак, кун тартибига киритилаётган ҳар бир масала дастлаб халқ депутатлари шаҳар кенгаши қошидаги доимий комиссияларда қизғин муҳокама қилиб олинмоқда. Бу ҳол сессиялар ишчан ва самарали ўтишини таъминламоқда.

Неъмат ДУШАЕВ,

Халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгаши депутати

Жорий йилнинг 8 февраль кuni Тожикистон Республикаси Суғд вилояти раиси Ражаббой Аҳмадзода бошчилигидаги делегация вакиллари Тошкент вилоятига ташриф буюрди. Бундан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ҳудудлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, савдо масалаларида ҳамкорликни янада кенгайтиришдир.

Меҳмонларнинг илк манзили Ўрта Чирчиқ туманидаги “MADONIZ DIAMOND” хусусий уруғчилик корхонасида бўлди.

Уларга Тошкент вилоят ҳокими Зойир Мирзаев ҳамроҳлик қилди. Бу ерда уларга уруғлик чигит тайёрлаш лойиҳаси таништирилди. Корхонада етиштирилаётган уруғлик пахта, буғдой ва дуккакли экин навларини кўпайтириш, шунингдек, ноёб турдаги дарахт кўчат турлари ҳақидаги маълумотлар ҳам меҳмонларга тақдим этилди. Келгусида қишлоқ хўжалиги

Мақсад – ҳамкорликни янада кенгайтириш

соҳасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан келишиб олинди.

Тожикистон делегацияси Зангиота туманидаги “Grand phant hub” логистика марказида ҳам бўлиб, яқин истиқболда ҳамкорликни йўлга қўйиш бора-сида дастлабки музокараларни ўтказди.

Мулоқотларда икки давлат раҳбарларининг прагматик, дўстона сиёсати натижасида кўплаб йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш бора-сида имконият туғилгани таъкидланди. Делегация аъзолари куннинг иккинчи ярмида Зангиота тумани ишбилармон доиралар вакиллари билан музокара ўтказди.

Жумладан, Сингапур билан ҳамкорликда ташкил қилинган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи “TRT” корхонаси фаолияти ҳам ўрганилди. Мазкур корхонада енгил ва юк ташувчи автомо-

билларни юриш, трансмиссия ва бошқарув тизимлари учун 1 мингдан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Шу ернинг ўзида техник текширув ва синовларни ўтказиш учун лаборатория ҳам ташкил қилинган. Шунингдек, умумий қиймати 10 миллион доллар бўлган “Mos pekar” МЧЖ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти ҳам кўздан кечирилди ва бу меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ҳозирда, замонавий технологиялар жорий қилиш орқали аҳолига суткасига 55-60 тонна тоза, сифатли қандолат маҳсулотлари етказилмоқда. Корхонада 150 дан зиёд иш ўрни яратилган бўлиб, йиллик экспорт (Россия) ҳажми 5-6 миллион долларга етказиш режа қилинган.

Делегация вакилларининг ташифи давом этмоқда.

А.МУСАЕВ, ЎЗА

Ўз касбининг фидойилари

ОСИЁНИ КЕЗИБ ЧИҚҚАН ЭЛЕКТРОВАЗ МАШИНИСТИ

Халқ хўжалигида ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати билан мамлакат иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган касб эгалари кўп. “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамиятининг “Темир йўл транспорти” филиали электровоз машинисти Камолиддин Нурматов меҳнатда бахт топган ана шундай замондошларимиздан биридир.

Камолиддин ака 1967 йилнинг февраль ойида Ангрен кўмири кони яқинидаги собиқ Боғисурх қишлоғида, қончи оиласида туғилиб ўсган. Отаси Назмиддин Нурматов 9-шахтанинг кўмирини ташувчи тепловоз машинисти бўлиб ишлар, ёш Камолиддинда бу касбга қизиқиш ўша олис болалик йилларидаёқ пайдо бўлган эди.

– Дадамнинг ёнида юриб, темир йўл транспортига меҳрим ортди, кейинчалик ота изидан бориб, шу касбни эгаллаганимдан бахтиёрман, – дейди қаҳрамонимиз мамнуният билан.

Камолиддин Нурматов 1982 йилда касб-ҳунар билим юртида ўқиб, электровоз машинисти мутахассислигини олди ва ҳозирги Темир йўл транспорт бошқармасига электровоз машинисти ёрдамчиси бўлиб ишга жойлашди. Тажрибали устозлар Валерий Амен, Равиль Ҳайдаров, Элбрус Сахибуллин, Мирзараҳим Ҳамдамовлардан касбнинг нозик жиҳатларини кунт билан ўрганди. Кейинчалик ўзи ҳам мустақил ишлай бошлади. Хизмат тақозоси



билан Россия Федерацияси, Қозоғистон ва бошқа кўплаб давлатларнинг жуда кўп шаҳарларига темир йўлда юк олиб борди, юк олиб келди.

Саксонинчи йилларнинг охирида унга янги русумдаги электровозни ишониб топширишди. Камолиддин ака ушбу техникани муваффақиятли бошқариб, йиллар давомда юз минглаб тонна кўмир ташиди. Унлаб шогирдлар тайёрлади. Бугунги кунда улар ўзи билан ёнма-ён, самарали меҳнат қилмоқда, турли давлатларда ишлаётганлари ҳам кўп.

Камолиддин Нурматов қирқ йил давомида темир йўл транспорти соҳасида меҳнат қилди. Меҳнатлари муносиб тақдирланган. У учала даражали “Кончилик шухрати” кўкрак нишони соҳибидир. Айни пайтда электровоз машинисти ёрдамчиси сифатида фаолиятини давом эттирмоқда. Негаки, кўпни кўрган, тажрибали касб эгаларининг ёшларга маслаҳати, йўл-йўриғи ҳамма жойда керак ва Камолиддин ака ҳамон темирйўлчилар сафида. Қувончиси, фарзандлари ҳам кончилик касбини танлашган. Ўғли Жаҳонгир “Ангрен” кўмири конининг 2-бўлимида экскаватор машинисти бўлиб, хизмат қилмоқда.

Динара ИСЛОМОВА

Юртимизда транспорт воситаларининг сони кескин ортиб бориши атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, соғлиққа боғлиқ муаммоларнинг кўпайиши, шунингдек, шаҳарларда чанг, зарарли газлар ва тутун миқдорининг ортиши билан боғлиқ аҳоли мурожаатларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

АИ-80 РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЬ ЁҚИЛҒИСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА СОТИШ ЧЕКЛАНАДИ

Соҳа вакилларининг таъкидлашича, АИ-80 марказидаги бензин ёқилғисидан воз кечиш натижасида транспорт воситаларидан атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддалар ҳажми кескин камайиб, ҳаво сифати сезиларли даражада яхшиланади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, 2025 йил 1 майдан бошлаб кенг жамоатчилик вакиллари, ижтимоий тармоқ фаолла-

ри, аҳоли фикрини иноватга олган ҳолда Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида куйидаги йўналишларда янги лойиҳаларни амалга ошириш тақиқланади:

- асбест, цемент ишлаб чиқариш, шлам ва шлаклар;
- тери-кўнчилик, паррандачилик фабрикалари;
- самарадорлиги юқори бўлган чанг-газ тозалаш иншоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиш;
- қора ва рангли металлургия заводлари, таркибида захарли аралашмалар бўлган ойна, захарли кимёвий моддалар билан ишлаш;
- хавфлилик даражасининг I ва II синфига мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш ва ёқиш корхоналари.

Шунингдек, 2025 йил якунига қадар барча куч ва ресурсларни сафарбар этиб, аҳолини сифатли, экологик тоза ва арзон ёқилғи билан таъминлаган ҳолда АИ-80 русумли автомобиль ёқилғисидан фойдаланиш ва сотиш чекланади.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА, ЎЗА

В Ахангаранской долине, лежащей меж отрогов Чаткало-Курминского горного узла системы Тянь-Шань, расположен Ангренский угольный разрез. За семь с небольшим десятилетий трудовой коллектив разреза успел прославиться делами, которые останутся в памяти Ангрена и угольной промышленности Узбекистана. И мы до сих пор слышим твердые, уверенные шаги первопроходцев, идущих по земле ангреновской, которые, благодаря своему уму, знаниям и опыту, кропотливому труду и терпению, открыли здесь богатые месторождения бурого угля.

Производство

ГОДЫ СВЕРШЕНИЙ И ПОБЕД

Историческая справка

Республика Узбекистан располагает разведанными запасами угля в количестве 1 млрд. 900 млн. тонн, в том числе бурого – 1 млрд. 843 млн. тонн, каменного – 47 млн. тонн. «Черное золото», природные запасы которого практически неограниченны, занимает достойное место в топливно-энергетическом балансе страны.

В далеком прошлом жители окрестных сел собирали бурый уголь, вымытый из недр земли весенними паводками. Именно это обстоятельство натолкнуло геологов на мысль, что в этих местах могут быть богатые угольные залежи.

С 1 августа 1944 года в Ангрене начались строительные работы по подготовке к добыче угля открытым способом. Первая очередь строительства была закончена в январе 1946 года. Наконец, в начале 1948 года разрез «Ангренский» был сдан в промышленную эксплуатацию. В том же году было добыто 409 тыс. тонн «черного золота».

В дальнейшем с каждым годом увеличивались объемы добычи угля и соответственно укреплялась материально-техническая база.

В социально-экономическом развитии независимого Узбекистана, занявшего свое место на карте мира, особая роль принадлежит и угольной промышленности как одной из основных отраслей народного хозяйства. В одном только Ангрене, который считается богатейшей базой природных ресурсов и, в первую очередь, полезных ископаемых, извлекаются миллионы тонн «черного золота». Основная часть угля добывается на разрезе «Ангренский» открытым способом. Предприятие является важнейшим источником твердого топлива для потребителей, главные из которых – две теплоэлектростанции, обеспечивающие тепловой и электрической энергией весь регион.

Благодаря содержательной летописи разреза, перед нами предстают ответственные руководители и просто рабочие – простые труженики, преданные своей нелегкой

профессии, гордо носящие высокое звание горняка. Сегодняшние наши современники являются их преемниками. Благодаря самоотверженному труду, поискам новых форм и методов, объемы вырабатываемой продукции увеличиваются с каждым годом.

Наши дни

Осенью 2020 года Александр Михайлович Корчагин занял должность заместителя главного инженера по производству АО «Узбекуголь», с апреля 2021 года был назначен директором филиала «Разрез Ангренский». С его приходом на разрез значительно улучшился производственный процесс, увеличились показатели, были предложены интересные новаторские идеи. Александр Михайлович всегда интересуется условиями работы людей, придает большое значение своевременному проведению на участках ремонтно-восстановительных работ, его волнует техническое состояние конвейерных линий, экскаваторов, бульдозеров и прочей техники, он заботится об обеспечении наладочно-ремонтных бригад необходимыми запчастями, оборудованием и топливом.

Новаторские способности Александра Корчагина проявились в полной мере, когда по его инициативе началось строительство на разрезе погрузочно-сортировочного комплекса. Здесь ведется отгрузка добытого угля по сортам и фракциям, деятельность этого комплекса способствует улучшению качества топлива.

Благодаря предложению А. Корчагина, также состоялась закладка дробильного комплекса, который на вскрыше выполняет очень важную функцию: дробит булыжники, которые нередки в галечнике. И еще был построен Северный углеход – большая конвейерная линия, которая позволила грузить добытый в забоях уголь на транспортную ленту и отправлять в железнодорожные вагоны. Директор разреза «Ангренский» наглядно доказал, как проще и дешевле можно добывать и вывозить вме-



сте с углем и попутные полезные ископаемые, такие, как каолин. Он внимательно следит за прокладкой и ремонтом технологических дорог в котловине разреза, которые постоянно меняют свое направление. Дело в том, что машинисты экскаваторов в поисках угольных пластов вынуждены поднимать вскрышные породы в совершенно неожиданных местах. Уголь не добудешь, пока не снимешь вскрышу.

Достаточно сравнить прежние показатели по угледобыче, и станет ясно, насколько увеличились производственные темпы:

2020 год. Добыча составила 3 млн. 870 тыс. тонн угля. Пандемия коронавируса несколько осложнила вопросы производственных поставок.

2021 год. Добыча составила 4 млн. 782 тыс. тонн. Показатель увеличился почти на 1 млн. тонн.

2022 год. Добыча составила уже 5 млн. 074 тыс. тонн угля.

2023 год. Добыча составила 5 млн. 836 тыс. тонн. Абсолютный производственный рекорд в течение последних 30 лет.

2024 год. Добыча составила 6 млн. 700 тыс. тонн вместо запланированных 6 млн. 200 тыс. тонн. Отличный показатель!

В течение года была успешно завершена работа по полному обеспечению потребителей местным бурым углем. Самое главное – найти пути для модернизации и технического перевооружения предприятия, ставшего основной базой угледобычи страны.

От степени исправности техники зависит скорость и качество добычи угля. Для этого необходимо на новом этапе обновить и модернизировать горнодобывающее оборудование действующих угольных разрезов и шахты. Хорошо налажен выпуск запчастей для горной техники на заводе РГТО, с целью улучшения качества угля и понижения степени его зольности было введено в действие еще несколько породовыборочных пунктов.

За прошедшие годы в жизни разреза произошли значительные изменения, – го-

ворит генеральный директор АО «Узбекуголь» Владимир Кузнецов. – Чтобы убедиться в поступательном движении, достаточно привести основные горнотехнические показатели последних четырех лет. Однако ни одна работа не обходится без людей, их энергии, инициативы состава ИТР, рабочих.

Коллектив разреза работает в сложных условиях. Имеются трудности в обеспечении материалами, запчастями, и поэтому очень остро стоит вопрос продления срока имеющегося оборудования и, при необходимости, качественного его ремонта.

Согласно графику закупок технических блоков, в 2021 году рабочей группой АО «Узбекуголь» стала владелицей ввезенного из-за рубежа экскаватора «Хита-чи», специализировавшегося на селективной выемке угля. Машина хорошо зарекомендовала себя в эксплуатации, и горняки планируют закупить еще несколько таких машин. В 2023-2024 годах мы стали обладателями новейшей горной техники: 44 карьерных самосвалов «Коматцу» грузоподъемностью 90 тонн, а также бульдозеров, автопогрузчиков, автогрейдеров. Таким образом, автомобильный и тракторно-бульдозерный парк отрасли получил необходимое обновление.

Мы сумели выстоять в течение двух невероятно тяжелых лет коронавирусной пандемии, испытывали трудности, но при этом упорно делали свое дело – уголь добывали. Нельзя назвать профессию шахтера легкой, – да она таковой никогда и не была, – но ее с полным правом можно назвать великой, героической. Великой в том смысле, что мы, горных дел мастера, бескорыстно дарим людям тепло и свет. А нам тепло и свет дарит уголь – великое сокровище земных недр. Не уставайте от труда, любите его всем сердцем и отдавайте его плоды на благо процветания любимой Родины!

Имя каждого, кто отдал хоть частичку своей души для дальнейшего процветания этого крупного предприятия, никогда не сотрется со страниц истории...



Мошенники виртуальные и реальные

Побойтесь бога! Жизнь – бумеранг!

которые передают деньги. Это хитрые и беспринципные люди, которых и людьми-то можно назвать с большой натяжкой.

Этот вид мошенничества уже известен в России и Казахстане. Неизвестные звонят пожилым людям, как правило, на домашний телефон, и рассказывают о якобы серьезной аварии, в которой виновен их близкий родственник. Нужна крупная сумма денег.

Одна из пострадавших, одиноко живущая 91-летняя жительница Ангрена А.Е. рассказала, как она стала жертвой этого вида мошенничества. Ей позвонили на домашний телефон вечером 22 января 2025 года. Женщина, ответив на звонок, услышала в трубке плачущий женский голос: «Я в аварию попала, помогите мне! Они

с меня деньги требуют! Мне плохо, у меня надежда только на вас! Я еле стою, и вся в крови!» Так слезливо кричала в трубку якобы родственница женщины.

Затем звонившую предупредили, что теперь со старушкой будет говорить следователь, которого нужно во всем слушаться. «Следователь» назвал огромную денежную сумму для возмещения ущерба пострадавшему в аварии. «Ваша родственница является причиной ДТП», – сказал по телефону неизвестный мужчина. – Молодая девушка была за рулем, а ваша родственница переходила дорогу в неположенном месте. Чтобы не задавить пешехода, автомобилистка врезалась в столб и лежит в реанимации. Если стороны договорятся, то на вашу родственницу в суд не подадут.

Но если не договорятся, ей грозит от 3 до 5 лет лишения свободы...»

Старушке сказали, что она должна собрать для родственницы постельное белье в сумку и положить внутрь деньги. За сумкой в полночь (самое воровское время!) приехал курьер. Три часа подряд мошенники оставались на связи с престарелой женщиной, дополнительно позвонив по мобильному телефону. Это тоже часть тактики – занять все телефонные линии и не позволить жертве связаться с настоящими родственниками, чтобы проверить информацию. В большинстве случаев пострадавшие до последнего не понимают, что попали в лапы обманщиков. Мошенники – отличные психологи, они знают, на что давить и как сделать так, чтобы человек сам отдал им деньги.

За три дня до описываемых событий аналогичным образом мошенники в Ангрене «разули» старика, получив с него большую денежную сумму. Было несколько подобных случаев и в Ташкенте. Правоохранителям удалось задержать нескольких

курьеров, среди которых оказались граждане Казахстана и Кыргызстана. Получается, что мошенники – гастролеры?..

Что делать в случае, если человеку звонят незнакомые и заводят речь о деньгах? В первую очередь, следует сразу положить трубку на рычаг и перезвонить близкому человеку, чтобы получить достоверную информацию через надежный источник. Если родственник не отвечает, нужно позвонить другим родным. Если предыдущие два варианта по каким-либо причинам недоступны, позвоните по номеру 102 или обратитесь с заявлением в ближайший отдел органов внутренних дел.

Будьте спокойны, не паникуйте и не бойтесь запугивания и угроз! Не идите на поводу у эмоций и придерживайтесь правила: «Если кто-то незнакомый волнуется о моих деньгах больше, чем я сам, этот кто-то – мошенник!»

Полосу подготовила
Диана АНДРЕЕВА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли театр ва кино актёри Фарҳод Абдуллаев 1957 йил 1 октябрда Қашқадарё вилоятида туғилган. Кўп йиллардан буён Ўзбек миллий академик драма театрида фаолият юритади. Хусусан, ўтган йиллар давомида актёр “Бомба”, “Кўнгил кўчалари”, “Ўртоқ Бойкенжаев”, “Севинч”, “Чашма”, “Жаннат қайдадир”, “Афғон”, “Зарб”, “Берлин-Оққўрғон”, “Эркак” каби кўплаб фильмларда ва спектаклларда роль ижро этган. Шунингдек, “Севимли” телеканалининг зиёлилар орасида оммалашган “Эслаб-эслаб” дастури бошловчиси.

Фарҳод АБДУЛЛАЕВ:

“Устоз сўзи муқаддас”



Фарҳод Абдуллаев билан учрашувимиз актёр даволанаётган касалхонада кечди. Мен тасаввур қилган рост-гўй, ҳақгўй, чапани ва самимий инсонни қаршимда кўриб, олдиндан тайёрлаб қўйган умумий саволлардан чекиниб, бугун наинки санъат ва адабиёт аҳлини, балки барчани қаттиқ ўйлантираётган баъзи саволлар асносида суҳбатлашдим.

– Пойтахтга келиб, актёр бўлишни қачон кўнгилга тўқкансиз ва бу қандай рўй берган?

– Болаликда театрга боргани ва шу ердан ҳавас уйғонганини шаҳарда улғайган ҳамкасблардан кўп эшитганмиз. Аммо бизнинг эски Яккабоғ қишлоғида авваллари театр бўлмаган. Бир эски кинотеатр бўларди, шу масканда кино кўриб улғайдик. Актёрликка ҳавас ўша ердан бошланган, деб ўйлайман. Бир Мухаббат исмли синфдошим бўларди. Раҳматли бўлди. Болалигимизда ким бўлишни орзу қиласан, деб сўраганида, стюардесса деб жавоб берарди. Биз қишлоқнинг тўпори ва содда болалари стюардесса нималигини билмасдик. Бу касб бизга янгилик эди. Ҳаммининг болалик ва ёшлик орзулари бўлади, албатта. Орзуйинг амалга ошишига эса тамал тоши мактабда қўйилади.

Тошкентга келиб, театр деган даргоҳ борлигини кўрдим ва унга ошно бўлдим. Мана, эллик йилдирки, шу соҳада тер тўкиб келмоқдаман. Ижодий фаолиятим давомида кўплаб устозлар ўғитларини олдим, уларнинг “маҳорат мактаб”ларида чархландим.

– Театрдаги илк устозингизни эслайсизми?

– Бўлмасам-чи?! Менинг устозим Пўлат Саидқосимов бўлганлар! Лекин

у кишини сира устоз деб қақирмаганман. Биз бир-биримизни орқаваротдан устоз-шогирд деб тан олганмиз. У киши устоз деган сўзни сийқаси чиқиб кетган, бу улуг сўз, аммо бу сўзни майдалаштириб юборганлар кўпайди, дердилар. Айниқса, мана шу охириги пайтлар бу сўз оддий иборага айланиб қолди. Гўёки, “ҳой амаки”, “тоға” дегандай, оддий мурожаатга айланиб қолди.

Устоз деган улуг сўзнинг салмоғи бўлади. Устоз сўзи муқаддас. Моҳияти ҳам. Буни ҳис қилишимиз керак. Кечирасизу, дуч келган жойда дуч келган одамни “устоз” деб қақариш ҳам нотўғри.

Актёрлик ҳам худди этикдўздай бир ҳунар экан, аслида. Ўргатган одамдан дусини олиб, тўн кийгизиб, ўша ҳунар, ё касбни олиб кетаверадиган нарсаси экан. Шу боис илми ҳунарни ўргатган устозга ҳурмат кўрсатиш, меҳр бериш пайдо бўлган. Устоз сўзининг буюклиги ана шунда.



– Пўлат Саидқосимов узоқни кўра олган доно инсон бўлган эканлар. Фаолиятингиз мобайнида кўплаб театр ва кино усталари билан ишлаш насиб этган, улардан ҳам ўрганганларингиз кўп бўлгандир...

– Албатта. Ўзим иштирок этган битта спектаклни мазза қилиб кўраман. Масалан, “Келинлар кўзғолони”ни, мен унда ўзимни эмас, ўша вақтда ана шундай таниқли, моҳир инсонлар билан ишлаганимнинг ҳам бир бахт эканини кўриб тўлқинланаман. Қаранг, қандай инсонлар билан биргаликда нафас олдим, сеъёмка жараёнлари, ўша куни қандай кун бўлган, нималар бўлган, кимлар келган, ишонинг, барчаси кечагидай эсимда. Чунки бу жараёнлар бизга ҳақиқий сабоқ бўлган. Ўша даврда ана шундай устозлар билан ишлаганимдан ғурурланиб кетаман. Улар билан ўтган кунларим мен учун доим байрамдай бўлган, шунинг учун ёшларда бизга нисбатан ҳамиша ҳавас пайдо бўлади.

– Бир актриса ўзаро суҳбатда мени ижро этган ролларишдан кўпроқ тўйлар халққа яқинроқ қилди, деганди...

– Мен тўйга бораман, табриклайман, кетаман, тўйга бориш мен учун шу аслида.

Пул учун бориш, ялтоқланиш, “онажон” деб тиз чўкишлар, атрофдагиларга ҳиссиётларини кўз-кўз қилишни ёқламайман. Майли, тўйга таклиф қилинган санъаткорларимиз агар бошловчиликни қотиришса ёки бор маҳоратини одоб доирасида намоиш қилишса, пулга ишқибозликни йиғиштириб, ўз мавқеига пўтур етказмаса, бунга эътирозим йўқ. Мен шуларни назарда тутиб, тўйга борадиганларни ёқламайман. Бир суҳбатимда гап-гаштакни ҳам қоралагандим. Мен умрни бўшлиққа сарфламаслик тарафдориман.

Бунинг яна бир ёмон томони борки, шу тоифа актёр ва актрисалар тўйларимизнинг асосий “меҳмон”и ва “қаҳрамон”ига айланиб боришмоқда. Асосий соҳасидан тирикчилик ваҳини устун қўйиб, ҳатто унвон ҳам талаб қилиб қолишади. Менга айтишади, “Мана, сиз тўйга бормаяпсиз, аммо сизга унвон беришмаяпти-ку?” Фикримни чалғитишмоқчи бўлишади-да. Мен эса бунга мутлақо қаршиман.

Биринчи унвон биринчи унвондир, ҳақиқий эътирофдир. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” деган унвонга эришсининг ўзи етарли. Давлат мукофотлари, унвонлар булар, зеб-зийнатлар, холос. Асосийси, илк эътироф. Баъзи ёш актёр ва актрисалар “хизмат кўрсатган артист” даражасига эришган куннинг эртасигаёқ “халқ артисти” бўлсам, деб ҳаловатини йўқотади. Баъзилар бор, 3-4 та ашула айтиб-айтмай, дарров “Халқлар дўстлиги”да концерт берсам, дейди. Эҳ, нега шошади булар дейман... Камтар одамлар доим эътибор қозониб келган.

Гапнинг индаллоси шуки, камина тўйга бормасдан ҳам обрў-эътибор қозониш мумкинлигини барчага исбот этгим келди. Ҳамма машаққатнинг тагида меҳнат ётади ва бу меҳнатдан қочмаган киши, албатта, мурод-мақсадига етади.

– Фарҳод ака, кинога қайтсак. Дубляж ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз? Дубляж санъати нега йўқ бўлиб кетди?

– Ростини айтсам, мен ўша эски дубляжларнинг ошносиман. Биламан, бу саволни бекор бермаяпсиз. У дубляжлар йўқ бўлиб кетган. Мен ўзим қойил қилолмаган ишларни қойил қилганларга доим тан берганман. Масалан, Тўлқин Тожиев, Обид Юнусов, Ҳожиакбар Нурматовларни эсланг. Уларнинг дубляждаги маҳоратини сўз билан ифода қилиб бўлмайди, ўз ишига шу даражада берилиб кетишганки, ҳатто кўрган одам бу дубляжни ёки оригинални, деб иккиланиб қолишади!

Ҳа, илгари дубляжга алоҳида эътибор қаратиларди. Икки оғиз сўзга ҳам актёр жалб этиларди. Дейлик, “Қирсам, майлими?”, деган икки сўзни айтиш учун ҳам таклиф қилинган актёр нафас билан ишларди. Дубляжда диафрагма бўларди. Иш жараёнида ҳатто ўтириш мумкин бўлмаган. Ҳозир-чи? Бемалол ўтирволиб, чой ичиб, овоз беришади. Охириги пайтларда етмиш сериялик фильмдаги бир нечта қаҳрамонга атиги тўрт киши овоз берапти: икки аёл ва икки эркак. Буни дубляж деёлмаймиз-да. Чунки дубляж кескин актёрлик маҳоратини талаб қилади. Ҳозир шуни инобатга олиб, “Матнни фалончи-пистончи ўқиди”, деб ёзишмоқда.

– Ўнлаб киноларда турли талқиндаги образларни яратгансиз, айтингчи, қайси бош роль ўзингизга ҳам ёққан?

– Актёр ҳар хил образларни гавдалан-

тиради. Шуларнинг биттаси уни машҳур қилади. Яна биттаси, дейлик, тирикчилик учун ижро этилган бўлади. Яна бир роли дунё кездирарди. Менда ана шу ролларнинг барчаси бор, шукр. Актёрнинг бахти шундаки, унга бағишлаб асар ёзилса, театрда пьеса қўйилса, эътибор толгани шу бўлади. Шукрки, бу бахтга ҳам эришганман. Масалан, режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг “Бомба” фильмидаги ролим менга шухрат келтирди, ўша вақтда лақабим Ямаха бўлиб кетган. Режиссёр Юсуф Розиқов суратга олган “Ўртоқ Бойкенжаев” фильмида ҳам бош ролни ўйнадим. Шу фильм сабабли дунё кездим, номзодим халқаро мукофотларга қўйилган. Ва “кинода бош қаҳрамон” деган тушунчани теран англаганман.

– Фарҳод ака, кўплаб санъат аҳлида бўлгани каби сизнинг ҳам фарзандларингиз орасида издошларингиз борми?

– Йўқ. Ўғлимнинг ўртоқлари баъзан ўғлингиз ҳазилкаш, даврани роса гуллатади, нега сизга ўхшаб актёр бўлмаган, деб қолишади. Аммо санъат фидойиликни талаб қилади. Қизиқиш билан иш битмайди. Ўғлим агар интилса, изимдан бориши мумкин, аммо унинг ўртамиёна актёр бўлишини истамасдим. Бўлса, чақмоқ бўлсин!

– Сизнинг актёрлик маҳоратингиз “Эслаб-эслаб” кўрсатувидаги бошловчилик фаолиятингизда ҳам яққол намоён бўлмоқда?

– Илк таклиф тушганида, бошловчи бўлмайман, хоҳласангиз, маслаҳат бераман, деганман. Сизни шунинг учун ҳам таклиф этаяпмиз, дейишди. 3-4 та кўрсатувда бошловчилик қиламан, дегандим. Аммо қолиб кетдим. Орада даволаниш баҳона кетганимда, икки нафар суҳандонга топширишибди, аммо, табиийки бошловчилик ҳам актёрликни талаб қилади. Яна қайтдим. Хуллас, катталар ўртага тушишди. Бунинг савоби бор, дейишди. Лекин барибир мени бошловчи сифатида эмас, актёр сифатида билишларини истайман.

– Қайси режиссёрлар билан мазза қилиб ишлагансиз?

– Баҳодир Йўлдошевнинг номини алоҳида таъкидлайман, у кишидан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Ҳани Абдураҳмонов, Вали Умаров, Сергей Потапов ва бошқа кўплаб режиссёрлар билан ишлаганман. Ўзим ҳам бешта спектакль сахналаштирдим. Доим актёрларга айтаман, мен режиссёр эмасман, улардан ўрганганларимни сизга ўргатайман, дейман. Бир авлод театри актёрлари Абдураим Абдуваҳобов, Тоҳир Саидов ва яна бир қанча яхши актёрлар яхши режиссёр кўрмай ўтишди...

Шундай ортга қарасам, ўзимнинг қандай гавҳар одамлар билан ишлаганимни кўраман. Дрон бўлса, мени кузатса, бир кичкина тепакал одамнинг чархпалак бўлиб, ҳали у театрда, ҳали бу театрда, телевидениега, кинога зир югуришларини кўрарди... Бу ғайрат сўнмаса, ҳаёт давом этаверар экан.

– Фарҳод ака, суҳбатимиз охирида сизга бир анъанавий савол бермоқчиман. Китобхонмисиз?

– Китоб ўқийман, аммо агар асар зериқарли бўлса, тугатмай тўхтатаман. Қизиққан асарларимни эса тезда ўқиб тугатаман. Мана, “Шайтанат”ни бир кечада ўқиганлар бор. Санъаткор одамни мутоладан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозир қўлимда бешта пьеса бор. Мен театрнинг бадийи кенгаши аъзосиман. Ҳар бир пьеса — бир китоб. Бизнинг қўшиқчилардан фарқимиз шундаки, интеллектимиз баланд, чуқури кўп ўқиймиз. Уларни ўқиб тугатиш керак, бир ойда бир нечта пьеса ўқийман.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи суҳбатлашди

“Адабиёт зиёси”, 2025 йил 1-сон

Ижодий кеча

ШЕЪРИЯТГА ОШНО ҚАЛБЛАР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ПРОТЕЗЛАШ МАРКАЗИДА БЎЛИБ ЎТГАН “ШЕЪРИЯТГА ОШНО ҚАЛБЛАР” МАВЗУСИДАГИ ИЖОДИЙ КЕЧА ИШТИРОКЧИЛАРГА ЗАВҚ БАҒИШЛАДИ



Ангрен шаҳрида жойлашган, тажрибали шифокор Гавҳар Шониезова раҳбарлигидаги Марказда пойтахт вилоятининг турли гўшаларидан келган фуқаролар саломатликларини тиклайдилар. Бу ерда уларга мала-

кали тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга маданий ҳордиқ чиқаришлари учун турли маънавий-маърифий тадбирлар ҳам мунтазам ўтказиб келинади.

Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, катталар ва болалар шоири Неъмат Душаев, педогог-ижодкор Қурдош Одинаев ҳамда марказда даволанаётган маданият ходими Уйғун Тавбаев иштирокида ташкил этилган навбатдаги тадбир ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Тадбирда ижодкорлар Неъмат Душаев ва Қурдош Одинаевлар сўз олиб, ўз ҳаёт ва ижод йўллари ҳақида гапириб, она Ватан, дўстлик, меҳнат мавзусидаги янги

шеърларидан намуналар ўқиб бердилар, китоблар совға қилдилар.

Хонанда Уйғун Тавбаев томонидан қуйланган жўшқин куй-қўшиқлар рақсларга ўланиб, тадбир барчага кўтаринки руҳ бағишлади.

Раъно АБДУҚОДИРОВА,
Тошкент вилояти
реабилитация қилиш ва
протезлаш маркази ходимаси



Навоийхонлик

УЛУҒ ШОИР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ ТАДБИРИ

1441 йил 9 февраль – ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд топган кун.

Шу муносабат билан барча жойларда бўлгани каби Ангрен шаҳридаги 25-умумтаълим мактабида ташкил этилган “Навоий мероси мангу барҳаёт” тадбири авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири бўлган улуғ аждодимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром рамзи сифати иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда билим даргоҳининг 7-“А”синф ўқувчилари томонидан улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар берилиб, ғазал ва рубоийлари ёддан ўқилиб, қўшиқ ва рақслар ижро этилди. “Тилшунос” тўғариги аъзолари намойиш қилган саҳна кўринишлари ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Яқунда тўғарак қатнашчиларининг ижодий ишлари кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.

Тадбир сўнггида мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Д.Зилбоева, бошланғич синф ўқитувчиси Д.Мамадалиевалар сўз олиб, буюк Навоий меросини чуқур ўрганишга хизмат қилувчи тадбир ҳақида илиқ сўзлар билдирдилар.

Насиба САЛИМОВА,
Ангрен шаҳар 25-умумтаълим мактаби
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

“Хавфсиз ҳудуд” тадбирлари

Кўза кунда эмас, кунда синади

Тошкент вилоятида ўтказилаётган “Хавфсиз ҳудуд” кенг қўламли тезкор профилактик тадбирлар доирасида жиноятларни фош этиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, Оҳангарон туманида жойлашган Чинор ЙПХ мактабидан тунги хизматга жалб қилинган ИИО ходимлари томонидан қорамол ўғирлиги фош этилди. Аниқланишича, ИИО ходимлари томонидан тўхтатилган автомашина салонига бир бош қорамол, ҳайдовчи ва икки нафар шахс бўлган. Суриштирув давомида улар қорамолни Ўўка туманидан сотиб олганини маълум қилган бўлсада, аммо, ходимлар ҳушёрликни йўқотмасдан ҳолатга ойдинлик киритган.

Суриштирув натижасида қиймати 7 миллион сўм бўлган ушбу қорамолни Андижон вилоятида яшовчи 22 ёшли уч нафар шахс (Ш.О., Б.А. ва С.Й.) Ўўка тумани Янгибоб маҳалласидан ўғирлагани аниқланган. Улар ярим тунда хонадон молхонасига яширинча кириб, ўриндиқлари ечилган ва олдиндан тайёрланган автомашина салонига жойлаштирган ҳолда олиб кетаётган бўлган.

Дастлабки тергов давомида ушбу шахсларнинг аввал ҳам шу усулда қиймати 19 миллион сўм бўлган икки бош қора молни яширинча олиб кетгани, молларни сотиб пулини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани ҳамда улардан бири ўтган йилда мазкур маҳаллада ёлланма ишчи сифатида ишлагани ва ҳудудни яхши билгани аниқланган.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан Ўўка тумани ИИБ Тергов бўлими томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2 ва 3-қисмлари асосида жиноят иши қўзғатилган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

А.МУСАЕВ, Ўўка

Ўлкашунослик

ОҲАНГАРОН ВОДИЙСИ ЖОЙ НОМЛАРИ

монидан тайёрланган. Қурилиш ишлари 1976 йилда Ўзбекистон Республикасининг ўша пайтдаги раҳбари Шароф Рашидовнинг дастлабки рамзий пойдевор ғиштини тантанали равишда қўйиши билан бошланган. Корхона етти блокли бўлиб, биринчи энергоблок 1985 йилда ишга туширилган. Электр энергиясини ишлаб чиқариш қуввати 2100 МВтга тенг. Қозонхоналарга ёқилғи сифатида асосан Ангрен кўнғир кўмири, табиий газ ва мазутдан фойдаланилади.

ЯНГИБИНО “Гулистон – Оҳангарон” ва “Тошкент – Олмалик” автомобиль йўллари кесишган жойдаги ДАН постидан кунботар тарафдаги кичик қишлоқ номи.

ЯНГИБОБ Ангрен шаҳрининг Ду-кентсой бўйлаб ўн икки чақирим масофада жойлашган, денгиз сатҳидан 1454 метр баландликдаги сўлим кўрғони. 1950-1954 йилларда собиқ Иттифоқ эҳтиёжи учун уран қазиб олиш мақсадида қурилган ишчилар шаҳарчаси. Ҳозир бу ерда туризм хизмати кучайган. Республика спортчиларининг чанғи учиш, гимнастика, бокс ва бошқа турдаги машқ базалари, 42-сонли умумий ўрта таълим мактаби, мусиқа мактаби, дўкон ва чойхоналар мавжуд.

Я. деб аталган топоним Олмаликнинг шарқий қисмида ҳам бўлиб, қончилар ва чорвадорлар қишлоғи номига қўйилган. Янгиқишлоқ Оҳангарон водийсининг

бир неча жойида учрайдиган топоним. Жумладан, Оҳангарон дарёсига чап томондан қуйилувчи Гўшсойнинг ўнг соҳилида жойлашган Оҳангарон туманидаги Қорасувёқа ва Қорабўлоқ қишлоқлари оралиғидаги аҳоли манзили. Шунингдек, туманининг “Озодлик” ҳудудида – Буловтисойнинг ўнг соҳилидаги кичик қишлоқ.

ЯНГИҲАЁТ Қурама тизмасининг шимолидаги Сегенаксойнинг қуйи ўнг томонида, “Олмалик – Облик” автомобиль йўлининг икки чеккасида жойлашган қишлоқ.

ЎЗАР ҚИШЛОҒИ Оҳангарон туманининг “Оҳангарон – Нурафшон” автомобиль йўлининг икки чеккасида жойлашган.

ЎЗАРОВУЛ Чотқол тизмасининг ғарбий қисмидаги адирлиқлар бағрида, Болғали билан Қозоқовул оралиғида жойлашган, маъмурий жиҳатдан Оҳангарон туманига қарашли оз сонли чорвадорлар қишлоғи.

ЎЗБЕКМОЗОРТЕПА Оққўрғон туманидаги Хон каналининг икки ёнида, шарқ томондаги қадимий Қанқа шаҳри харобаларига бир ярим чақирим масофада, собиқ “Оққўрғон” совхозининг 2-бўлимида жойлашган қабристон. Атрофидаги экин майдонларига нисбатан 3-4 метр баланд дўнгликларга майитлар қўмилган. Ў. шу атрофдаги яна бир қабристон – Туркманмозортепа (Ойтепа)га нисбатан 270 метр шимолда жойлашган. Ў.нинг ўрдатепа, Ошхо-

натепа, Самарқандтепа, Ўзбектепа, Оттепа деган номлари ҳам мавжуд бўлиб, уни 1989-1990 йилларда ўрганган археолог ва журналист В.Карасёвнинг фикрича, Ў. эрамининг II-VII асрларида Қанқа шоҳларининг ёзги резиденцияси бўлган.

ЎНГУТ – ўрта асрлар мўғул тилида “ўнг” – шимол, “танг” – жануб йўналишларини англатган. –ут ёки –т эса қўпик маъноси билдирувчи қўшимчалардир (Темучинни хибсада сақлаб озор берган Тибет шарқидagi Тангут салтанатининг кейинчалик кули қўкка совурилиши воқеасини эсланг). Шунга кўра Мўғулистон шимолидаги қабилалар “Ўнгут” деган умумлаштирувчи ном билан юртилган. Оҳангарон шаҳрининг шарқ томонида жойлашган шу номдаги қишлоқ аҳолисининг аждодлари XII асрда қорахитойлар билан бирга кўчиб келганлар. Бу қишлоқ Оҳангаронига қарайди. Бу ерда IX-X асрларга оид “Барбал ота” ерости чиллахонаси мавжуд.

ЎРАЛГАНСОЙ Чотқол тизмасининг жанубий-ғарбий қисмидаги май ойида суви қуриб қоладиган кичик сойлардан бири.

ЎРИКБЕЛ тизмаси Қурама тоғининг шимолий-ғарбий қисмидаги Гўшсойнинг Ёнғоқлисой деган ирмоғи билан Нишбош-сойнинг Лашкараксой деган ирмоғини ажратиб турувчи баландлик. Унинг денгиз сатҳидан 1637 метр баландликдаги қисми Ў. чўққиси деб аталади.

ЎРИКЛИСОЙ Қурама тизмасининг шимолий томонидан Оҳангарон дарёсига оқиб тушувчи Кандирсойнинг Қулутисой деган йирик ўнг ирмоғига ўнг тарафдан қўшилувчи жилғалардан бири.

Исомиддин Ёрматов.
(Давоми келгуси сонларда)

Икки кишининг орасига сукунат чўмса, у ерда қандайдир йўл билан синдирилган қалб бор.

									Либос урфи		Мумтоз шеърӣ жанр		Россия-даги денгиз		"БФ", "Момент", "ПВА"	
Арнольд Шварценеггернинг робот роли	"Учар" шофёр учун тузоқ		Самолёт "деразаси"		Бошоқли галла		Гимнастка ... Чусовитина		Этик, туфли, шиппак (умумий)							
					"...патрул хизмати" (ППХ)				Сал-..., озгина		Италия "юраги"		Шифобахш ўсимлик		Тотув, иноқ	
"Том ва ..." (м/ф)	Велосипед тепкиси		Ука (хоразмча)		Калашников автомат (аббр.)		Лайча, бульдог, бўрибосар		Пойтахти Асунсьон (Жан. Америка)							
						Чақалок "гапи"				Қозоғистондаги дарё			"Сизни кўрганимдан ба... хурсандман!"		Роберт де ... (актёр)	
	Жазо тўлови	Кинорежиссёр ... Михалков						Бетон бузадиган темир				Қор, ёмғир умумий				
					ЛАТИФАЛАР – Бизнесимнинг омад калити юлдузларнинг яхши жойлашганида, – дебди бир бой йигит. – Қанақа юлдузларнинг жойлашиши? – сўрабди дўстлари ҳайрон бўлиб. – Адамнинг елкасидаги юлдузчаларни айтяпман! – деган экан йигит. *** – Онаси, бугун қизимизни боғчага ўзинг ташлаб келақол. 5 минг бераман, – дебди эр. – Юз минг берсангиз ташлаб келаман, – дебди хотин. – Дада, менга 2 минг беринг, ўзим кетавераман боғчага, – дебди қизча. *** Эр жаҳл билан хотинига: – Нимага шимимнинг фақат ярмини дазмолладинг? – дебди. – Мен сизга юз марта айтдим, "дазмолимизни сими калта, бошқа дазмол сотиб олинг деб", – дермиш – хотини *** Бир бола отасига мақтанаяпти: – Дада, синфдаги энг ялқов бола энди мен эмасман! – Нега? Яхши ўқий бошладингми? – Йўқ, бугун мендан ҳам ялқовроқ бола келди синфимизга! *** Хотини хасис эридан сўраяпти: – Дадаси, бугун овқатга тухумнинг оқини солайми, сариғиними? – Бугун байрам, майли бутун солақол! – дебди эри. *** Бир аёл пул топиб олибди, санайчи деб кўлига тупурса, пулга тегиб икки баравар кўпайибди, яна тупурса кўпайиб борармиш. Бир пайт қарс этиб қулоғи остига шапалоқ тушибди. Қараса, эри ўтирганимиш: – Ҳамма жойни тупуриб расво қилдинг-ку, уйғон!											
	Ўрмон қароқчиси ... Гуд		Бастакор ... Исроил									Моторли велосипед	Мамлакат халқи		Шаҳриёр мусикий йўналиши	
Ҳовли тозаллагич	Ўрнак, намуна		"Ватанимга содиқ бўлишга ... ичаман!"										Ерости поезди	Татар шоири ... Жалил		Музлатувчи газ
	Уч торли хинд рубоби	Денгиз остидаги маржон қоя		Қўшимча ҳақ										Машинанинг сув насоси	Йўловчи поезди хонаси	
	Португалия футбол клуби		Кўрса тувлар эълони			Шароф ... (арбоб)		Китоб жавони		Дўконнинг ойнаванд пештахтаси		Сахро, чўл	"... раққоси" (Жимми)			
					Қоқланган, қуритилган гўшт							"Узун ..., ичи ковак"		Футболдаги ҳолат		Ўрама торт
	Боксчи ... Рискиев	Ёғочга ўйилган безак				Шимолий совуқ кутб		... Эгам ("Чарх-палак")		Электр асбоб симини учи						
					Миокард ...и (касаллик)							Иван Крилов асарлари жанри		Фарғона вил. туман	"Раҳмат, ...!" (ТВ)	
Погонли алоқачи	Муқаддас динимиз	Жойида тўлов				Миср эҳромлари ёнидаги ҳайкал	Тўмарис ўлдирган Эрон шоҳи				Савелий ... (актёр, "Омадли жентльменлар")					
				Тошкент цирки жойлашган майдон	Бўсаға, эшик таги						Термин, истилоҳ	Қозоқча "ака"				
	"Лазги", "Тановар", "Ламбада"	Гуруч қурти	Ҳатар, таҳдид				Ҳийла, найранг	Мансаб, лавозим					Аскар уйига ёзади			
					...-жинс	Инсон "лақаби"			Ҳаким ...-Термизий (аллома)			"Жаноб ..." (к/комедия)	ЧИРОЙЛИ ҲИКМАТЛАРДАН Одамларга ҳар қанча ишонсанг ҳам, энг муҳим сирларингни ўзингда қолдир! Чунки, дунё нафсларни ўзгартиради ва баъзи одамларга ишонганимиз учун бизни кўп афсус қилишга мажбур этади.			
	Институт ўқитувачиси		Селин ... ("Титаник")				Чаён буржи (24.10-22.11)									
						Матрос-ошпаз			Илмсиз, авом							
	Ҳалқали сайёра		База, пойдевор				Ситани ўтирлаган шоҳ (Рамаяна)									

Ёнфин хавфсизлиги

ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА

илк бор ёпиқ сув ҳовузи фойдаланишга топширилди

А-373 “Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг Қамчиқ довони ҳудудидаги ўт ўчириш машиналари кириб-чиқиши қулай бўлган ўнта жойида – 100-176-километрлари оралиғида ёнфинларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ёпиқ сув ҳовузли қуриш режалаштирилган эди.

Ҳозирги кунда “Қамчиқавтойўл ИЙФК” корхонаси томонидан 50 куб метр сифимли темир-бетон конструкцияли ёпиқ сув ҳовузлар учун доводон йўли бўйлаб 8 та ҳудудда хандақлар тайёрланди ва пастти қисми цемент-бетон қопламаси билан текисланиб, битум билан ишлов берилди. Улардан 5 тасида ён томонлари арматуралар тўқилди ва цемент-бетон билан қопланди.



Шунингдек, сув ҳовузларни устки қисмига 6х1 метрли плиталар ўрнатилди ҳамда автомобиль йўлининг 134.1-километрида сув ҳовузи қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

Қурилиш ишлари “Қамчиқ” МҚЁҚБ Фавкулда вазиятлар профилактика бўлими ҳамда “Қамчиқавтойўл ИЙФК” корхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда назоратта олиниб, ёнфин ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши бўйича профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда шунини таъкидлаш лозимки, Қамчиқ довонида об-ҳаво шароити кескин ўзгарувчан бўлиб, меъёридан кўп ёнфингарчилик бўлиши ва тоғолди ва тоғли ҳудудларда сел-сув тошқин ҳодисалари юзага келиши мумкин. Шу муносабат билан доводон оқали ҳаракатланувчи ҳайдовчилардан ёнфин хавфсизлик қоидаларига, йўл белгиларига қатъий риоя қилишларини, ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи ва дам олувчи фуқаролардан ҳамиша эҳтиёткорлик чоралар қўришларни сўраймиз.

Ф.ДАДОМатов,
“Қамчиқ” МҚЁҚБ ФВПБ инспектори, кичик сержант

Хориж хабарлари

ТУРКИЯДАГИ ДАҲШАТЛИ ЗИЛЗИЛАГА 2 ЙИЛ БЎЛДИ

2023 йил 6 февралда Туркия жануби-шарқида содир бўлган 7,7 магнитудали зилзила оқибатида 50 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган эди.

Зилзила мамлакат иқтисодиётига 104 миллиард доллар зарар етказди, нафақат тураржойлар, балки ишлаб чиқариш қувватларига ҳам жиддий зиён етди. Табиий офатдан Туркиянинг 11 вилояти ва 14 миллион киши жабр кўрди. 850 та объектга зиён етиши 170 мингта иш ўрнининг йўқотилишига олиб келди.

Дунёнинг турли давлатлари, жумладан, Ўзбекистон Туркияга моддий ёрдам юборди. Зилзилалардан жабрланганларга ҳукумат, тадбиркорлар ва Ўзбекистон аҳолиси томонидан 170 тонна инсонпарварлик ёрдами йиғилиб, улар 6 та юк самолёти ва 7 та юк машинасида мамлакатнинг турли ҳудудларига етказилди.

Шу билан бир вақтда, Туркиянинг зилзиладан жабр кўрган ҳудудларида ўзбекистонлик ошпазлар 5 минг кишига икки маҳал овқат тарқатди.

Бундан ташқари, табиий офат зонасида Ўзбекистондан 100 нафар кутқарувчи ва 71 шифокор ишлади, бунга Истанбулдаги Ўзбекистон маданият, тадқиқот ва бирдамлик уюшмаси кўнгиллилари ҳам ёрдам берди.

Муҳандис-геофизиклар ҳозирда Туркиянинг ғарбий



TURKIYADA MINGLAB ODAMLARNING O'LMIGA SABAB BO'LGAN DAHSHATLI ZILZILAGA 2 YIL BO'LDI

қисмида кучли зилзила хавфи борлигини билдирмоқда. Истанбул ва Измирда 6,9–7 балли ер силкиниши содир бўлиши мумкин.

Бу каби фожеалар такрорланмаслиги учун ҳукумат хавфсизлик чораларини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Мутасаддилар аҳолини эҳтиёт чораларини кўришга чақирмоқда.

ОЗАРБОЙЖОН РОССИЯНИ СУДГА БЕРАДИ

Ўтган ҳафтада Озарбайжон Москванинг Боку билан ҳисоблашиши кераклигини эслатиб қўйди. Боку 2024 йил 25 декабр куни Қозоғистоннинг Ақтау шаҳри яқинида “Озарбойжон Ҳаво Йўллари” (AZAL) авиакомпаниясига тегишли йўловчи самолёти ҳалокатга учрагани сабабли Россияга қарши халқаро судга даъво аризаси тайёрламоқда. Бу ҳақда Озарбойжон давлат ахборот агентлиги маълумот тарқатган.

Авиаҳалокатда 38 нафар йўловчи ҳалок бўлган. Ҳозирда ҳуқуқий далиллар тўпланмоқда.

Россия томони воқеани бир томонлама талқин қилишда айблamoқда, бироқ Қозоғистон транспорт вазирлиги ҳам ўз ҳулосасини эълон қилган. Бокуга кўра, Москва ўз айбини тан олмасдан хатони экипаж аъзоларига ағдаришга уриняпти.

Агентликка кўра, Озарбойжон ҳукумати AZAL самолётига отиш буйруғини берган шахслар, амалга оширилган зарбалар ва қўлланилган қурол ҳақида аниқ маълумотларга эга. Ушбу ҳолат юзасидан ўтган ой Владимир Путин Озарбойжон томонидан уэр сўраган эди.

Шунингдек, мамлакат ушбу воқеалардан кейин Россиянинг рақиби Украинага 1 миллион доллар миқдорида гуманитар ёрдам кўрсатилиши эълон қилди. Бокудаги Россия маданият уйи раҳбариятига унинг ёпилиши бўйича расмий хабар юборган. Россия Ташқи ишлар вазирлиги “Рус уйи” билан боғлиқ вазиятни ҳал қилиш устида иш олиб бораётганини билдирди. “Рус уйи” бир ярим ой ичида юкарага олинган бинодан чиқиши керак, унинг эгаси бинони шошилинч равишда сотиб юбормоқчилигини айтган. Кремл мат-

Мутахассис огоҳлантиради

НИМА САБАБДАН ЁНФИНЛАР СОДИР БЎЛМОҚДА?

Турли сабаблар оқибатида юзага келувчи тилсиз ёв бўлган ёнфинларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, огоҳлик ва хушёрликни ошириш шу куннинг долзар вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Шу сабабли Фавкулда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан “Қузги-қишги мавсуми” тадбири юзасидан аҳоли ўртасида ёнфинлар, ис газидан заҳарланиш ва бошқа турдаги фавкулда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Афсуски, айрим фуқароларнинг ўз уйларидаги эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги, аниқроғи, табиий газдан фойдаланишда ёнфин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги оқибатида ёнфин билан боғлиқ кўнгилсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш учун аввало, иситиш таъминотлари, яъни печлар, қозонхоналар, сув иситиш колонкаларининг созлиги, мўриконларнинг тозаллигини текшириб туриш зарур. Носоз, ностандарт, қўлбола иситиш мосламаларидан, сифатсиз ва техник кўрикдан ўтмаган газ баллонларидан фойдаланишга йўл қўймаслик керак. Болаларни, имконияти чекланган ва маст кишиларни назоратсиз қолдирмаслик, уларнинг газ ва электр мосламаларидан, очиқ оловдан фойдаланишларга йўл қўймаслик, табиий газдан фойдаланишда турли хилдаги резина шланглар, газ сўргичлардан фойдаланмаслик лозим.

Синовдан ўтмаган, ташқи қисмида ишлатишга яроқлилик белгиси бўлмаган маиший газ баллонларини ишлатиш мумкин эмас.

Турғун МАДАМИНОВ,
“Олмалиқ КМК” АЖ Ангрен кон бошқармаси ОЁХТБ инспектори

буот котиби Дмитрий Песковнинг гапларига кўра, бу масала давлат етакчилари ўртасида муҳокама қилиниши керак.

ТРАМПНИНГ ЁПДИ-ЁПДИЛАРИ

Трамپ Президент этиб сайлангандан кейинги икки ҳафта ичида бутун дунё бўйлаб АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) нинг минглаб ходимлари ишдан бўшатилди ва дастурлар ёпилди, деб хабар бермоқда “Eguonews”.

Миллиардер Илон Маск бу қарор Трампп билан келишилган ҳолда қабул қилинганини айтган. 600 дан зиёд ишчи билан алоқа бир кеча-кундузда компьютер тизими орқали чеклаб қўйилган. USAID веб-сайти ва X платформа-сидаги аккаунт ҳам ўчирилган. Трампп маъмурияти ташкилотнинг умумий 10 мингдан ортиқ ишчиларининг 97 фоизини таътилга чиқаришга ҳаракатни бошлаб юборган эди. Кейинчалик бу суд томонидан тўхтатилиб қўйилган.

Маск раҳбарлигидаги Ҳукумат самарадорлиги департаменти аввалроқ Ҳазначилик бўлимида худди шундай амалиётни қўллаб, махфий маълумотлар, жумладан Ижтимоий таъминот ва “Medicare” миқозлари тўлов тизимига кириш ҳуқуқига эга бўлди. Бунинг ортидан ушбу секторнинг юқори мартабали ходими истеъфо берган.

Мазкур халқаро бирлашма ёпилиши Трампп маъмурияти томонидан федерал ҳукумат дастурларига нисбатан “қатағон”нинг бир қисмидир.

Америка Қўшма Штатлари собиқ раҳбари Жон Кеннеди USAIDни Совет Иттифоқи билан совуқ уруш авжига чиққан паллада яратган. У ташқи кучларга қарши чет давлатлар ёрдамида самаралироқ курашишни хоҳлаган эди. Ўшанда Конгресс хорижий ёрдам тўғрисида қонун қабул қилди ва 1961 йил USAID мустақил агентлик сифатида очилди.

Шунингдек, АҚШ президенти Дональд Трампп мамлакатнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва Фаластин қочқинларига ёрдам бериш бўйича Яқин Шарқ агентлигидан чиқиши тўғрисидаги фармонни имзолади. Трампп тегишли фармонга Нетаняху билан учрашган кунда имзо чеккан ҳамда Исроил ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашидан чиқиб кетган.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

Этнография деган фан бор, тарихнинг муҳим, қизиқарли, сиёсат-у урушлардан холи йўналиши. Эл-элатларнинг яшаш тарзи, кийим-кечаги-ю миллий ошхонасигача ўрганилади бу фанда. У мазмунан фольклорга яқин. Яқин десак етарли бўлмас, айнан ўзи дейилса, тўғрироқ. Яъни фольклор этнографиянинг овозли қисми. Масалан, сир-гир соғиш этнографиянинг объекти бўлса, соғиш жараёнида айтилади-ган кўшиқ – фольклорга дахлдор.

Шунинг учун зўр фольклоршунос бўлиш учун яхши этнограф ҳам бўлиш керак. Мавсум кўшиқлари, маросим кўшиқлари ёки алла-айтимлар, ўлан-ялалар ҳақида муайян кашфиёт қилиш ёхуд назария яратиш учун олдин унинг амалиётини пухта билиш керак. Мен бундай хулосага йирик фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, Оҳангарон водийсининг фидойи кўйчиси Исомиддин Ёрматов тўғрисида келганман.

Эътироф

ОҲАНГАРОННИНГ ИККИНЧИ ДАРЁСИ

Исомиддин акага бир сафар "Оҳангароннинг иккита дарёси бор, бири ўша ҳақиқий дарё бўлса, иккинчиси – Сиз", деган эдим. Бу бежиз эмас. Ака бу водий бўйича йирик му-тахассис. Кандирсойдан Лашкараккача, Эртошдан Арашонбулоққача, хуллас, Оҳангароннинг кичик ирмоқлари бошланиш жойларидан то дарёнинг энг охириги қуйилиш нуқталаригача пухта билади. Саодат водийси, дея таъриф беради ака ўзи туғилиб ўсган бу заминга. Бу ўлканинг тарихи, этнографияси, одамларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, шева-лаари, табиати, географияси, геологияси, топономияси, тоғлари, боғлари, ўт-ўланлари-ю ёввойи жониворларигача, ҳудудда тарихнинг турли даврларида яратилган би-но ва иншоотларнинг архитектура-сигача қизиққан. Ҳатто Оҳангарон иқтисодий-тини ҳам шу даражада биладики, ака иқтисодчимикин, деб юборасиз беихтиёр.

Ангрен кўмири кони қачон очилган, бу ерда қазиб олинган кўми-рининг сифати қанақа, қайси йилда қанча кўмири олинган, қанча одам ишлаган, ишчиларнинг ойлик маоши қандай бўлган, барча-барча-сидан хабардор. Китобларида, мат-буот орқали чиқишларида кўмири кони тарихи билан боғлиқ кўплаб оли-мона гипотезаларни илгари сурган. Ҳар бир фикрини жуда қимматли маълумотлар, тарихий фотолар билан асослаб берган.

Домла биргина кўмири кони эмас, бир пайтлар Ангреннинг довуғини оламга таратган каолин заводи-ю бошқа ишлаб чиқариш корхоналаригача, у ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати-ю ҳажмигача, экспортига-ча маълумотга эга. Олмаликдаги гигант корхоналар, олтин, мис ва бошқа қимматбаҳо металл конла-рини айтмай-сизми... Ҳавасингиз ке-лади, қойил қоласиз, тан берасиз. Буларнинг ҳаммаси мислсиз меҳр, унча-мунча юракка сиймайдиган муҳаббат тўғрисида.

Ака қизиқ бир воқеани айтиб берганди. Бу қайсидир китобига ҳам киритилган, адашмасам. Хуллас, домла Европанинг қайсидир давлатига борган экан, Венгриями, Австриями ҳозир аниғи эсимда йўқ, аслида бу-ни ҳозир муҳим ҳам эмас, сафар чоғида акамиз катта бир дўкондаги чиройли вазага харидор бўлибди. Ниҳоятда чиройли, ранглари ёрқин, нархи ҳам яхшигина қиммат эмиш. Аммо ишқибозлик руҳи устун келиб, нархига ҳам қарамай сотиб олиб-



ди. Хурсанд бўлиб уйига олиб келиб қараса, вазанинг тагига Ангренда ишлаб чиқарилганлигини билдирув-чи тамга босилган эмиш.

Бир қарасангиз, кулгили, ангрен-лик одам азда-базда ўша ёқларга бориб, ўзи яшайдиган шаҳарда ишлаб чиқарилган маҳсулотни со-тиб олиб, шунча йўлдан кўтариб келса-я, яна баланд нархга. Бошқа томондан қарасангиз, бу чексиз фахр. Ахир сиз яшайдиган шаҳарда ишлаб чиқарилган ваза ўша йирик шаҳардаги катта дўконнинг энг бе-жириги товари бўлиб турса... Ҳозир ҳам уйимда турибди, дейди устоз.

Аканинг Оҳангарон водийси-даги ҳурмат-эътибори ҳам шун-га яраша. Бутун адабий муҳит шу одамнинг атрофига қурилган, де-са ҳам бўлади. Қўлига қалам тут-ган йигит-қиз борки, битикларини аввало шу одамга кўрсатиб олишга ҳаракат қилади. Катта-кичик ижод-корлар Исомиддин Ёрматовнинг ёнида бўлишга интилади. Сўхбати мароқлида аканинг. Энг тўғри йўлни ҳам кўрсатади, энг зўр маслаҳатни ҳам беради.

Ака ўнга яқинми, ўндан ортиқки китоб ёзган ҳаммаси Оҳангарон билан боғлиқ. Ангрен шаҳрида чиқадиган "Улуғ йўл" газетаси-да акамизнинг "Оҳангарон водий-си жой номлари", деган мақоласига кўзим тушди яқинда. Қарасам, бир неча йилдан буён давомли тарзда бериб келинаётган экан. Демак, ака яна бир катта лойиҳани бошлаган.

Ундан бир-иккита мисол келти-раман:

ШАШАНГУРОТА ЗИЁРАТТОҲИ Оҳангарон тумани "Увак" МФЙ ҳудудининг бошланиш қисмида "Тошкент – Андижон" автотрасса-сининг ўнг, Ақчасойнинг Оҳангарон дарёсига қуйилиш қисмидаги чап тарафда жойлашган. Иккинчи но-ми – "Мукаррамнинг боғи". Бу ер-даги қадимий тутлар орасида ас-ли исми номаълум авлиё жаса-ди кўмилган. "Шашангур" унинг лақаби бўлиб, изоҳини аниқлай олмадик. Ушбу зиёратгоҳ ўрта аср-ларда шарқ томонидаги Ялпоқтепа шаҳар-қўрғони билан яхлит ком-

плекс бўлган деган тахмин бор.

Яна бир мисол: ЧУЛДУҚ Ангрен шаҳрининг жану-бий қисмидаги та-рихий жой номи. Қурама тизмаси-дан оқиб тушувчи Чулдуқсойнинг ик-ки тарафиди Ик-кинчи жаҳон уруши йилларида мажбу-ран кўчириб келин-ган крим-татарлари ва ҳарбий асир-лар яшаган кўмири кони шахта қазувчиларининг маскани. Бу ерда 1943-1945 йиллар-да Меҳнат-ахлоқ тузатиш колонияси бўлган.

Шундай, ака Оҳангаронни зўр билади. Шу тупроққа меҳри бўлак.

Оғир касал бўлиб ётиб қолган отахонни кўришга ака билан бор-гандик бир сафар. Ранглари оппоқ, кўёш кўрмаган, ичига чуқур ботган нурсиз кўзли бу киши билан Исомид-дин ака бироз гаплашди. Ташқарига чиққандан кейин бобонинг катта ўғлига "Ака деб гапирганимга ха-фа бўлмадимикин, отамдан кички-на бўлганига шундай деб юбордим-да", деди. Бу гап отахоннинг ўзидан кўра ўғлига қаратилгандек туюлди менга. Бу аканинг юксак маданияти-ни, халқ орасида устувор бўлган та-омилларга ҳурматини ҳам кўрсатиб турарди. Ўзбекистоннинг кўп жойла-рида шундай – отасидан катталарга бобо, кичикларга ака, деб мурожаат қилинади.

Ака кўп йиллар Ангрен шаҳрида-ги Тошкент вилояти педагогика ин-ститутда фаолият кўрсатди, декан, проректор лавозимигага кўтарилди. Тинимсиз ишлади. Институт ёпил-гач, унинг ўрнида очилган Айрим фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактабда директор бўлиб ишлади.

Хуллас, ҳам иш, ҳам илм, ҳам ижод. Ака ҳаммасига улгуради. Одамларнинг иззат-ҳурматини ҳам жойига қўяди. Оҳангаронга ким ке-ладиган бўлса, биринчи бўлиб ўзи кутиб олишга ҳаракат қилади.

Холиёр АБДИЕВ,
"Ўзбекистон 24" телеканали
катта муҳаррири



Танлов

Ангренлик ёш шифокор – энг яхши талаба!

Фаррухжон Ашурбоев Ангрен шаҳар болалар шифохонаси ёш шифокори, ай-ни пайда Тошкент тиббиёт академияси ва Қозон давлат тиббиёт университети қўшма таълим дастурининг халқаро факультети талабаси ҳамдир. У яқинда Қозон шаҳрида ўтказилган "Йил тала-баси –2024" танловида муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб бўлди.

Қарийб уч ой давом этган танловнинг 4 босқичидан финалгача етиб борган ҳамшаҳаримиз ўз иқтидори ва орзу-интилишлари билан ўзбек мил-лий аъёни ва урф-одатларини ҳам бутун дунёга та-ништишга ҳисса қўшди.

Қозон шаҳридан ғолиблик дипломи, ста-туэтка ҳамда пул мукофотлари билан қайтган Фаррухжонга келгуси ўқиш ва ишларида янада ул-кан муваффақиятлар тилаймиз.

Малика НОРБОВЕВА.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОҲИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт ривожига катта ҳисса қўшган таниқли спорт-чи, бокс бўйича халқаро ҳакам, ёшларнинг се-вимли мураббийи **Раҳматхон ТИЛЛАЕВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳум дўстимизнинг оила аъзоларига ва яқинларига ҳамдардлик бил-дириб, чуқур таъзия изҳор қиламиз.

Дўстлари номидан: Холхўжа ЮНУСОВ

"Ангрен зиё" МЧЖ ва "Улуғ йўл" газетаси жа-моаси маданият фахрийси, Ангрен шаҳар 8-март маҳалласи собиқ раиси, санъаткор **Баҳриддин ХАНАЕВНИНГ** вафот этганлиги муносабати би-лан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Ulug`yo`l

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС:

"Angren ziyo"
масъулияти чекланган
жамият

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Исомиддин Ёрматов, Абдурашид
Ҳасанов, Икромали Холматов, Бахтиёр
Юлдашев, Беҳзод Қобулов, Холхўжа
Юнусов, Тўлқин Эшбек, Носиржон
Аминов, Қутлуғ Тешабоев, Шерзод
Тиловердиев, Ражаббой Багиров,
Нигора Шофайзиева

МУҲАРРИР

Малика НОРБОВЕВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

110200. Тошкент вилояти, Ангрен
шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 38.

Мурожаат учун телефон:
0(370)662-25-35, (93)919-21-84.
E-mail: angrenziyo@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар
муаллифга қайтарилмайди ва
тахлил этилмайди.

Газета Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси
томонидан 2010 йил 7 декабрда 03-069 рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи - 7034. ISSN 2181-
8142. Бир ойда уч марта чиқади.
① белгиси – тижорат материали

Газета "Angren ziyo" МЧЖ компьютеридида терилди ва саҳифаланди.
"Niso nashriyot va matbaa uy" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ
ота ҚФЙ, Машъал МФЙ, Марказий кўча, 1 уй.
Босишга топширилди: 10.02.2025. Қўғоз бичими А-3. Ҳажми 2
босма табак. Адади 690 нуска. Буюртма -